

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
«MED STANDART» МЧЖ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

САИДКАРИМОВА НОДИРА БОТИР ҚИЗИ

**РАМАН СПЕКТРОСКОПИЯ УСУЛИДА АНТИБИОТИК ГУРУҲ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Саидкаримова Нодира Ботир кизи

Раман спектроскопия усулида антибиотик гуруҳ дори воситаларининг таҳлил усулларини такомиллаштириш..... 3

Саидкаримова Нодира Ботир кизи

Совершенствование методов анализа лекарственных препаратов группы антибиотиков с использованием Рамановской спектроскопии..... 21

Saidkarimova Nodira Botir qizi

Improvement of analytical methods of antibiotic group medicines by using Raman spectroscopy 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
«MED STANDART» МЧЖ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

САИДКАРИМОВА НОДИРА БОТИР ҚИЗИ

РАМАН СПЕКТРОСКОПИЯ УСУЛИДА АНТИБИОТИК ГУРУҲ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Far52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институти ва «Med Standart» МЧЖ илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юнусходжаев Аҳматходжа Нигманович фармацевтика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Комилов Хожиасрор Масудович фармацевтика фанлари доктори, профессор Хамдамов Мирзаботир Мирзахайдарович фармацевтика фанлари фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА акад. О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё миқёсида турли инфекция касалликларни даволашда микробга қарши препаратлар – антибиотикларнинг улуши 50-80%ни ташкил этади. Ушбу фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларининг ассортименти кундан-кунга ортиб бормоқда ва уларни тезкорлик ҳамда юқори аниқликда сифатини назорат қилиш бўйича масалалар юзага келмоқда. Шунинг учун антибиотикларнинг меъёрий ҳужжат талабларига мослигини таъминлаш, замонавий физик таҳлил усулларини такомиллаштириш фармацевтика соҳасида катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида фармацевтик таҳлилда замонавий усуллардан ҳисобланган ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектроскопияси, яъни Раман спектроскопиясидан кенг фойдаланиш бўйича тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, дори воситаларининг сифат назоратини экологик муаммоларни келтириб чиқармайдиган, тез ва тежамкор бўлган таҳлил усулларини амалиётда қўллаш, ёруғликнинг комбинацион сочилиш спектроскопия усулида антибиотикларни чинлиги ва миқдорий таҳлилинини олиб бориш, уни бошқа усулларга нисбатан устуворлигини исботлаш бўйича тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлган аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уларни сифатли тиббий ёрдам олишларини таъминлаш: жумладан, дори воситалари сифатини халқаро меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини аниқлаш бўйича кенг кўламдаги ишлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш...»¹ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, фармацевтика соҳасини ривожлантиришга, айниқса, маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини таъминлаш учун таҳлилнинг ишончли ва замонавий усулларидан бўлган комбинацион сочилиш спектроскопияси, инфрақизил, ультрабинафша спектроскопияларидан фойдаланиш долзарб илмий амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 24 сентябрдаги ПҚ-3948-сон «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сон «Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли органик бирикмалар таҳлилида Раман спектроскопия усулидан фойдаланиш борасида Б.Эшчанов, Ҳ.Ҳушвақтов, Ш.Отажонов, А.Г.Эшимбетов каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида дори воситаларининг сифатини баҳолашда Раман спектроскопия усулини қўллаш, антибиотиклар таҳлилини олиб бориш, препаратларнинг чинлиги ва миқдорий таҳлил усулларини валидациялаш, ишлаб чиқариш жараёнлари назоратида фойдаланиш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: E.Smith, G.Dent, C.Baraldi, A.Tinti, S.Ottani, M.C.Gamberini, O.Ivashchenko, K.Dégardin, A.Desponds, Y.Roggo, D.R.Willett, J.D. Rodriguez, C.A. Anderson, W.Bonawi-Tan, J. Ann S. Williams, E.M. Gorman, B.Samas, Dan-Dan Chen, Xiao-Fang Xie, Hui Ao, Ji-Lei Liu, Cheng-Peng, Wei Ji, Weirong Yao, Hoeil Chung, Kayeong Shin, Moon-Young Yoon, Minjung Kim, G.S.Bumrah, R.M.Sharma, S.Gunasekaran, Б.А.Колесов, Е.А. Притчина, А.С. Крылов, А.Н. Втюрин, Ю.В. Герасимова.

Мазкур диссертация иши илк бор антибиотик фармакотерапевтик гуруҳига мансуб бўлган дори воситаларининг чинлиги ва миқдорини аниқлаш, меъёрий ҳужжатларда келтирилган бошқа физик-кимёвий усуллар билан таққослаш, Раман спектроскопия усулининг афзаллигини ёритиб бериш, фармацевтика ишлаб чиқариш жараёнида самарали қўллаш бўйича олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 3 « Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади антибиотик гуруҳ дори воситаларини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳаси ишлаб чиқариш жараёни ва сифат назорати тизимига янги, юқори аниқликдаги Раман спектроскопия усулини жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот-таҳлилий тадқиқотлар асосида Раман спектроскопия усули ёрдамида дори воситаларини идентификациялаш бўйича хорижий меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасини ўрганиш;

антибиотик гуруҳ дори моддалари ва дори препаратларининг Раман спектрларини солиштириб ўрганиш ва шу асосда уларнинг чинлигини аниқлаш;

антибиотик гуруҳ дори моддалари ва улар асосидаги дори препаратларининг Раман спектрларини электрон базасини шакллантириш;

таҳлил маълумотларини бевосита фармацевтик ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ қилиш;

ацикловир рух комплекс бирикмасининг синтези ва уни спектроскопик усулларда таҳлил қилиш;

Раман спектроскопия усулининг микдорий таҳлилда қўлланилиш имкониятларини ўрганиш;

Раман спектроскопия таҳлил усулини Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясига тақдим қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бензилпенициллин натрий, ампициллин, амоксициллин, цефазолин натрий, цефутоксим, цефтриаксон, цефотаксим, хлорамфеникол, левофлоксацин, азитромицин, амикацин сульфат дори моддалари ва препаратлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети қайд этилган дори моддалар ва препаратлар учун Раман спектроскопия усулидан фойдаланиб ўзига хос комбинацион сочилиш йўллари асосида маълумотлар базасини яратиш, фармацевтик ишлаб чиқариш ва назорат-таҳлил лабораторияларида дори воситалари сифатини таҳлил қилиш жараёнига тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида Раман, ультрабинафша (УБ) ва инфрақизил (ИК) спектроскопия, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) ҳамда микробиологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Раман спектроскопия усули ёрдамида маҳаллий фармацевтика бозоридаги антибиотик гуруҳ дори моддалари ҳамда таблетка, капсула, кукун, линимент, шамча, инъекцион эритма каби тайёр дори шаклларининг сифатини баҳолашда олинган спектрлардаги асосий комбинацион сочилиш йўллари аниқланган;

ампициллин, амоксициллин, левомицетин таблеткалари, бензилпенициллин натрий, цефазолин, цефутоксим, цефтриаксон, цефотаксим кукунлари, азитромицин капсулаларининг чинлигида тебраниш частоталари аниқланган;

амикацин сульфат инъекцион эритмаси ҳамда синтамицин линименти ва метронидазол шамчаси каби юмшоқ дори шаклларини асосий ва ёрдамчи моддаларининг комбинацион сочилиш спектрлари белгиланган;

левофлоксацин гемигидрат субстанцияси мисолида технологик жараёнда дегидратация ходисаси аниқланиб, унда антибактериал фаолликни маълум даражада пасайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антибиотик гуруҳ дори моддалари ва препаратлари таҳлилида Раман

спектроскопия усулини қўллаш бошқа усулларга нисбатан тезкор ва тежамкорлиги ҳамда қадоқ бутунлигини бузмасдан амалга ошириш имкониятини бериши аниқланган;

ацикловир рух комплекс бирикмаси синтез қилиниб, Раман ва инфрақизил спектроскопик таҳлил усуллари ёрдамида координацияланган донор атомлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий физик-кимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни саноат шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Ўзбекистон Республикаси фармацевтик назорат тизимида Раман спектроскопия усулини антибиотик гуруҳ дори модалари ва тайёр препаратларнинг сифатини меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан баҳолашда, миқдорий таҳлилда, ушбу усулни фармацевтик ишлаб чиқариш амалиётида қўллаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўпланган маълумотлар асосида комбинацион сочилиш спектроскопияси усулининг умумий фармакопея мақоласи ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясининг таркибига киритилганлиги билан баҳоланиб, «Remedy Group» ҚК назорат таҳлил лабораториясида дастлабки фармацевтик субстанциялар, оралик ва тайёр фармацевтик маҳсулотларни идентификациялашнинг экспресс таҳлил усули сифатида қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Раман спектроскопия усулида антибиотик гуруҳ дори воситаларининг таҳлил усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Циазит» капсуласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (НД 42 Уз - 6001 - 2020). Натижада кенг таъсир доирасига эга бўлган ушбу препарат «Remedy Group» ҚК томонидан ишлаб чиқарилиши имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясига «Раман спектроскопия усулининг умумий фармакопея мақоласи» киритилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК нинг 2019 йил 24 сентябрдаги № 29/02-2403-сон хати). Натижада, маҳаллий фармацевтика бозорида мавжуд антибиотик гуруҳига мансуб дори воситаларининг сифат меъёрларини белгилашда Раман спектроскопия усулини қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 та республикада ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Антибиотик гуруҳ дори воситаларининг таҳлил усуллариининг шархи ва Раман спектроскопия усулининг замонавий фармациядаги ўрни**» деб номланган биринчи бобида адабиёт маълумотлари таҳлили асосида антибиотикларнинг тиббиётда қўлланилиши, номенклатураси ва таҳлил усуллари баён этилган. Шунингдек, тадқиқотда қўлланилган Раман спектроскопия усулининг назарий асослари, фармацевтик таҳлил ҳамда ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамияти ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усули ва унда аниқланган препаратлар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, ускунанинг тузилиши ва унинг ишлаш принципи, шунингдек, янги модда – ацикловир рух комплекс бирикмасининг синтези ва таҳлили келтирилган.

Синтез қилинган комплексни Раман спектроскопия усулида таҳлил қилинганда синтезда қўлланилган барча моддаларнинг ва ҳосил бўлган комплекснинг Раман спектрлари олиб ўрганилди ва натижалари 1-жадвалда акс эттирилди.


Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, комплекс спектрида синтез қилишда фойдаланилган барча моддаларнинг комбинацион йўллари сақланиб қолган ҳамда уларнинг айримларида батахром ва гипсохром силжиш ҳолатлари кузатилган. Жумладан, диметилсульфоксиднинг S=O боғига тегишли йўллар ҳамда [C (6)=O (6)] йўлининг қуйи частота томонга силжиганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, металл билан комплекс ҳосил қилишда иштирок этган Zn-O боғи юқори частота томонга силжиган. Бундан ташқари комплекс спектрида янги Zn-N боғининг ҳамда сувга тегишли O-H йўллари пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин.

**Ацикловир ва унинг рух комплексини комбинацион сочилиш
йўллари**

Функционал гуруҳлар	Ацикловир, см ⁻¹	Ацикловир рух комплекси, см ⁻¹
ν Zn-O		309; 339; 426; 466
δ C-C	508	511
ν C-C	656	643
ν C-S		671
ν C-O-C _{sym}	869	853
ν S=O		981
ν S-O		1196
ν Zn-N	–	1304
ν C-N	1356	1366
ν C=N _{arom}	1482	1480
δ -NH ₂	1575	1579
ν C=O	1690	1669

Ушбу маълумотлар инфрақизил (ИҚ) спектроскопия усулида ҳам тасдиқланди. Синтез қилинган комплекс ИҚ-спектрида ацикловир (Асув) функционал гуруҳларининг асосий характерли ютилиш йўллари сақланиб қолган бўлиб, 3314 ва 3177 см⁻¹ даги ν_{as} (NH) ва ν_s (NH) йўллари 10 см⁻¹ га юқори частотага силжиганлигини, 3370 см⁻¹ даги ютилиш йўли эса йўқолганлигини кўриш мумкин. ν (C=O) боғининг 1708 см⁻¹ дан 1690 см⁻¹ гача бўлган ораликда янада паст частота томон силжиши, 1629 см⁻¹ даги ν (C=N) нур ютилиши эса 1610 см⁻¹ га силжиганлигини кўриш мумкин, бу O (6) ва N (7) атомларининг металл билан координация ҳосил қилишда иштирок этишини кўрсатади.


Шунингдек, комплекс ИҚ-спектрида 1000-1130 см⁻¹ оралиғида ν (S-O) ва ν (S=O) сульфат гуруҳига тегишли интенсив йўллар мавжуд. Бу ерда ν S=O диметилсульфоксид (ДМСО) молекулаларига хос боғлар бўлиб, улар кенг шаклга эга. Бундай ҳолда, 1052 см⁻¹ даги эркин ДМСО да юзага келадиган чўққининг шакли ва интенсивлиги сезиларли даражада камаяди. ДМСО бидентант лиганд эканлигини инобатга олиб, "қаттиқ" ва "юмшоқ" кислоталар ҳамда асослар тушунчасига мувофиқ олтингугурт атоми "юмшоқ", кислород атоми эса "қаттиқ" асос хусусияти билан таъминлайди. Металл ионлари электрон нуқтаи назардан кислоталар бўлганлиги сабабли, ДМСО бу ҳолатда кислород атоми орқали боғланиши керак. Бундай ҳолда, координацион полиэдр ички сферада битта сув молекуласининг иштироки туфайли октаэдрга айланади (1 - расм):



1-расм. Zn (Acac) (DMSO) SO₄ · H₂O комплексининг схематик тузилиши


Диссертациянинг учинчи боби «Антибиотик гуруҳ дори воситаларининг замонавий Раман спектроскопия усулида сифатини баҳолаш»га бағишланган. Бунда тиббиётда кенг қўлланиладиган пенициллин гуруҳ антибиотикларидан бензилпенициллин натрий, ампициллин, амоксициллин, цефалоспорин қатор антибиотиклардан эса цефазолин, цефуроксим, цефтриаксон, цефотаксимнинг Раман спектроскопия усули бўйича таҳлили келтирилган. Бундан ташқари таъсир этувчи моддаси хлорамфеникол бўлган левомецетин таблеткаси ва синтамицин линименти мисолида қаттиқ ва юмшоқ дори шакллариининг таҳлили ўтказилган.

Шулардан куйида пенициллин гуруҳ антибиотикларининг Раман спектроскопия усулидаги таҳлили келтирилган. Бунга кўра ушбу антибиотикларнинг биосинтетик гуруҳи вакилларида бўлган бензилпенициллин натрийнинг Раман спектрида (2-расм) тиазолидин ҳалқасидаги С-Н боғлар 3050 см⁻¹, С-Н боғи 1292 см⁻¹, С-S боғи 580 см⁻¹ да кузатилди. Иккинчи ҳалқа яъни β-лактам ҳалқаси ν С=О боғи эса 1700 см⁻¹ да интенсивлиги юқори бўлмаган тебранишлар берганлиги аниқланди. Пенициллин тузилишининг С₆ ҳолатидаги аминогуруҳ эса спектрнинг юқори частотали соҳасида яъни 3350 см⁻¹ да, ҳамда иккиламчи аминнинг CNC симметрик валент тебранишлари 875 см⁻¹да жойлашган. Молекулада иккита -СН₃ гуруҳи мавжуд бўлиб, улар тиазолидин ҳалқасига бевосита боғланган. Бундай ҳолларда электронлар таъсири туфайли метил гуруҳининг симметрик ва асимметрик тебранишлари биров пасаяди. Уларни валент тебранишларини 2910 см⁻¹да, кучсиз деформацион тебранишларини эса 1400 см⁻¹да кузатиш мумкин. Моноалмашинган бензол ҳалқасига тўхталиб ўтганда, 1770 см⁻¹да ν С=C, 1000 см⁻¹да кучли интенсивликдаги СН деформацион тебранишларини кўриш мумкин.



2-расм. Бензилпенициллин натрий кукунининг Раман спектри


Пенициллинларнинг кейинги авлоди бўлган ярим синтетик β -лактам гуруҳ антибиотикларидан ампициллинни Раман спектроскопия усулида (3-расм) таҳлил қилинганда бензилпенициллингдан фарқли жихатлари аниқланди. Ампициллиннинг тузилиш формуласидан маълумки, у бензилпенициллингдан бензил радикалига биргина аминогруҳнинг бирикканлиги билан фарқланади. Шунга мос равишда унинг спектрида ҳам тегишли ўзгаришларни кўриш мумкин. Жумладан, $-\text{NH}_2$ бирламчи аминогруҳнинг интенсивлиги юқорироқ бўлган қайчисимон тебранишлари 1600 см^{-1} да жойлашган. Шунингдек, молекула таркибида $\nu\text{ C-N}$ боғининг яна бир карра кўпайганлиги туфайли $1230\text{-}1280\text{ см}^{-1}$ оралиғидаги йўлнинг интенсивлиги кучайган.



3 -расм. Ампициллин тригидрат таблеткасининг Раман спектри

Ушбу гуруҳнинг яна бир вакили амоксициллин (4-расм) эса ампициллиндан бензол ҳалқасига $-\text{OH}$ гуруҳи бирикканлиги билан фарқ қилади. Унинг Раман спектрида эса бензилпенициллин ва ампициллиндан фарқли равишда кучли интенсивликдаги пара алмашинган бензол ҳалқасининг тебранишларида гипсохром силжиш кузатилиб, у 850 см^{-1} га

тўғри келади. Ҳамда 3380 см^{-1} да кучли бўлмаган $-\text{OH}$ гуруҳининг тебранишлари мавжуд.




4-расм. Амоксициллин кукунининг Раман спектри

Диссертациянинг «Раман спектроскопия усулининг фармацевтика ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш асослари» номли тўртинчи бобида левофлоксацин антибиотиғи мисолида Раман спектроскопия усули ёрдамида дегидратация жараёни ўрганилган. Левофлоксацин - гемигидрат шаклида мавжуд бўлган антибиотик бўлиб, гемигидратдан ташқари, учта кристалл ангидрат (α , β ва γ) шакллари ҳам мавжуд. Қуритиш жараёнида ушбу гидратлар ва солватлар эритувчи молекулаларини йўқотиши, бу эса ўз навбатида десолват моддани ҳосил бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқариш жараёнида левофлоксацин гемигидратнинг қуриши кимёвий ёки физик жиҳатдан беқарор бўлган аморф модданинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди. Бунинг учун левофлоксациннинг меъёрий хужжати (НД 42 Уз-1467-2017) бўйича ультрабинафша (УБ) спектрофотометрик ва юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида таҳлили ўтказилди.

Бунда левофлоксацин гемигидрат стандарт намунаси, қуритилган левофлоксацин субстанцияси ҳамда унинг оптик изомери бўлган офлоксацин стандарт намунаси ва таблеткасининг юқорида келтирилган икки усул бўйича таҳлили олиб борилди. УБ-спектрофотометрик усул учун $0,01\text{ мг/мл}$ $0,1\text{ М НСl}$ да эритмалар тайёрланиб, 294 нм тўлқин узунлигида оптик зичлиги ўлчанди.


Бунда барча намуналарнинг 294 нм да нур ютганлиги маълум бўлди (5-расм).

Альтернатив усул сифатида берилган ЮССХ усули бўйича ҳам таҳлиллар ўтказилди. Бунда намуналардан $0,1\text{ мг/мл}$ эритмалар тайёрланди. Эритувчи сифатида $0,1\text{ М НСl}$, қўзғалувчи фаза - буфер эритма (лимон кислотаси-аммоний ацетат) : ацетонитрил. Колонка (Қўзғалмас фаза) Discovery C 18 ($150\text{ мм} \times 4,0\text{ мм}$) 5 мкм . Детекция 290 нм .



5- расм. Левофлоксацин намуналарининг УВ-спектрлари


Бунда ҳам барча намуналарнинг ушланиш вақти 5 дақиқага яқин эканлиги аниқланди (6-расм).




6 -расм. Левофлоксацин гемигидрат стандарт намунаси ЮССХ хроматограммаси

Ушбу икки усулда ҳам левофлоксацин гемигидрат таркибидаги сувнинг ҳамда унинг сувсизланишини аниқлаш имкони мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун левофлоксациннинг таҳлил усуллари такомиллаштириш мақсадида янги ва замонавий усул – Раман спектроскопиясидан фойдаланилди.

Маълумки, дори препаратларини ишлаб чиқаришнинг турли технологик жараёнларида қуритишнинг аҳамияти катта бўлиб, у дастлабки босқичдан охиригача нуктагача қўлланилиши мумкин. Қуритиш пайтида ҳосил бўлган модданинг хоссаларини яхшироқ тушуниш учун левофлоксацин гемигидратнинг сувсизланишида кечадиган жараёнларни аниқлаш бўйича кейинги тадқиқотлар олиб борилди. Бунда левофлоксацин гемигидратни қуритиш шкафида 60° С дан 100° С гача қуритиб, спектрлари олинди (7-расм). Ҳарорат ҳар 10° С га ошганда спектрда қандай ўзгаришлар содир бўлганлиги аниқлаб борилди.



7-расм. а - 60 ° С ҳароратда қуритилган левофлоксацин гемигидрат Раман спектри



б - 90 ° С ҳароратда қуритилган левофлоксацин гемигидрат Раман спектри

Бу ерда ҳарорат 90° С га кўтарилганда спектрда сезиларли ўзгаришлар кузатила бошланган. Жумладан, 539 ва 1310 см⁻¹ даги С-С ва С-N валент тебранишларининг интенсивлиги пасайганлиги ҳамда гиперхром силжиши кузатилди. Бундан ташқари, 1355 см⁻¹ даги асимметрик углеродга боғланган -СН₃ гуруҳининг кучли интенсивликдаги деформацион тебранишлари ва 1461 см⁻¹ даги сувга тегишли бўлган ўртача интенсивликдаги деформацион тебранишларига тегишли сочилиш йўллари йўқолганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда мавжуд оптик фаол дори воситаларининг фақатгина 15 фоизи хирал маркази сақлаган тоза моддалардир, яъни бир турдаги энантиомерлардан иборатдир. Энантиомерларнинг физик-кимёвий хоссалари бир-бирига яқин бўлиб, уларни фарқлаш қийин, аммо биологик фаоллиги умуман бошқача бўлиши мумкин. D-офлоксацин ва левофлоксацин бири-бири учун энантиомер бўлиб, левофлоксацин ҳар хил грам-мусбат ва грам-манфий патогенларга қарши офлоксациндан икки баробар кучлироқ таъсирга эга. Қуйидаги 2-жадвалда уларнинг антибактериал фаоллиги диффузия йўли билан ўрганилиб, натижалари акс эттирилган.

2- жадвал


Оптик изомерларнинг антибактериал фаоллиги натижалари

Препарат номи	E. coli	St. aureus	Ps.aeruginosa
Левофлоксацин стандарт намунаси	27,3 мм	24,3 мм	23,6 мм
Қуритилган левофлоксацин субстанцияси	27,1 мм	24,1 мм	23,0 мм
Офлоксацин стандарт намунаси	27,5 мм	23,00 мм	21,0 мм
Офлоксацин таблеткаси	27,3 мм	22,1 мм	19,5 мм

Жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, левофлоксацин гемигидрат стандарт намунасининг антибактериал фаоллиги қуритилган

левофлоксациндан бирмунча юкори эканлиги, унинг оптик изомери бўлган офлоксацин стандарт намунаси ҳамда дори шаклида эса ушбу кўрсаткични анча пасайганлигини кўриш мумкин.

Кейинги тадқиқотлар Раман спектроскопия усулининг фармацевтика саноатида қўлланилиш имкониятларини ўрганиш бўйича олиб борилган. Бунинг учун «Remedy Group» ҚҚда макролид қатор антибиотик гуруҳига мансуб бўлган азитромицин капсуласининг таҳлили ўтказилди. Олиб борилган таҳлил босқичларини схематик тарзда 8-расмда қисқача келтирилди.



8-расм. Раман спектроскопия усули имкониятлари асосида назорат қилиш босқичлари

Бешинчи боб «**Раман спектроскопия усулининг миқдорий таҳлилда қўлланилиши**» деб номланиб, бунда амикацин сульфат инъекцион эритмасининг миқдорий таҳлилининг Раман спектроскопия усулида ишлаб чиқилган ва усул тўғрилиги, аниқлиги, чизиқлилиги, қайтарилувчанлик кўрсаткичлари бўйича валидацияланган.

Амикацин сульфат инъекцион эритмасининг миқдори текширилувчи намунанинг миқдorigа мос келувчи концентрациядаги стандарт намуна

эритмасидан фойдаланиб аниқланди. Намунадаги амикацин сульфат миқдори эса қуйидаги формулалар орқали ҳисобланди:

$$C_s = I_s * \frac{C_{rs}}{I_{rs}} \quad (1),$$

$$C_s \% = \frac{C_s}{C_t} * 100 \quad (2),$$

бунда C_s - текширилувчи намуна концентрацияси, мг/мл;

$C_s\%$ - текширилувчи намуна концентрацияси, %;

C_{rs} - стандарт намуна концентрацияси, мг/мл;


I_s - текширилувчи намуна интенсивлиги;

I_{rs} - стандарт намуна интенсивлиги;

C_t - намунадаги амикацин сульфатнинг назарий концентрацияси.

Таклиф қилинган усул натижалари ишончилигини ўрганиш жараёнида амикацин сульфат миқдорини аниқлашнинг мавжуд усуллари билан солиштириб кўрилди. Жумладан, юқори самарали суюқлик хроматографияси ва УБ-спектрофотометрик усулларида таҳлиллар ўтказилди.

ЮССХ усулида таҳлил ўтказилганда намуналардан 2 мг/мл эритмалар тайёрланди. Эритувчи сифатида тозаланган сув, кўзгалувчи фаза - ацетонитрил : тозаланган сув (70:30). Кўзгалмас фаза - «Zorbax Eclipse AAA». Детекция 195 нм. Амикацин сульфат стандарт намунаси хроматограммаси 9-расмда келтирилди.



9 - расм. Амикацин сульфат стандарт намунасининг хроматограммаси

Миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланди:

$$X = \frac{S_1 * m_0 * P}{S_0 * V_1} \quad (3),$$

бунда S_1 - текширилувчи намуна хроматограммасидаги амикацин чўққисининг майдони, mAU;

S_0 - стандарт намуна хроматограммасидаги амикацин


чўққисининг майдони, mAU;
 m_0 - амикацин сульфат стандарт намунасининг тортим миқдори,
 мг;
 V_1 - суюлтириш учун олинган дори турининг ҳажми, мл;
 P - стандарт намунадаги амикациннинг % миқдори.

УБ-спектрофотометрик усул амикацин сульфатни ишқорий шароитда нингидрин билан ҳосил бўлган маҳсулоти асосида олиб борилди. Эритманинг оптик зичлиги 350 нм дан 800 нм гача бўлган соҳада ўлчанди. Бунда стандарт намуна ва текширилувчи эритманинг 400 ± 2 нм ва 567 ± 2 нм тўлқин узунликларда нур ютганлиги аниқланди, унинг ҳисоблаш формуласи:

$$X = \frac{D_1 * a_0 * P}{D_0 * V_1} \quad (4),$$

бунда D_1 - текширилувчи намунанинг оптик зичлиги;
 D_0 - стандарт намунанинг оптик зичлиги;
 a_0 - амикацин сульфат стандарт намунасининг тортим миқдори, мг;
 V_1 - суюлтириш учун олинган дори турининг ҳажми, мл;
 P - стандарт намунадаги амикациннинг % миқдори.

Намуналарнинг УБ спектрлари 10-расмда келтирилди.



10-расм. Текширилувчи ва стандарт намуналарнинг УБ спектрлари

Юқори самарали суюқлик хроматографияси, ультрабинафша спектрофотометрик усулларда олинган миқдорий таҳлил маълумотлари таклиф қилинган усул натижаларининг ишончли эканлигидан далолат берди.

Амикацин сульфат инъекцион эритмаси миқдорий таҳлилининг Раман спектроскопия усулидаги олинган маълумотлар метрологик тавсифи 3-жадвалда келтирилди.

Миқдорий таҳлил натижаларининг метрологик тавсифи
(n=5; P=95%; t(P,f)=2,78)

X_i	\bar{X}	f	S^2	S	S_x	$\varepsilon, \%$	$\bar{\varepsilon}, \%$
$X_1=50,2$ $X_2=51,6$ $X_3=50,6$ $X_4=50,8$ $X_5=51,8$	51	4	0,46	0,67	0,30	3,69	1,65

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, Стъюдент мезони 2,78 га тенг бўлганда ўртача нисбий хатолик $\pm 1,65 \%$ ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Раман спектроскопия усули бўйича β -лактама гуруҳ антибиотиклари, яъни пенициллинлар ва цефалоспоринларнинг олиб борилган таҳлил натижаларига кўра илк маротаба ушбу гуруҳ дори воситаларини идентификациялаш ва фарқлашда қўлланилган усулнинг афзаллиги белгиланди. Бунга кўра тузилиш формуласида биргина фаолликни таъминловчи асосий функционал гуруҳ бўйича фарқланаётган моддалар спектрида ҳам тегишли ўзгариш кузатилиши исботланди.

2. Раман спектроскопия усулида илк маротаба юмшоқ дори шакли таркибидаги синтамицинни таҳлили амалга оширилиб, бунда намунадаги ҳар бир спектрда 1105, 1345, 1595 ± 2 см⁻¹ да характерли юқори селективликка эга комбинацион сочилиш йўллариининг сақланиб қолганлиги белгиланди. Тавсия қилинган Раман спектроскопияси усули ёрдамида қаттиқ, суюқ ва юмшоқ дори турларини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашда қўллашнинг амалий жиҳатлари ҳал қилинди.

3. Легофлоксацин гемигидратнинг сувсизланиши натижасида унда айрим стереокимёвий ўзгаришларни содир бўлиши, бу эса антибактериал фаолликнинг маълум даражада пасайишига олиб келиши исботланди. Легофлоксацин гемигидрат таҳлилига Раман спектроскопия усулини қўллаб, ушбу ўзгаришларни баҳолаш мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

4. Илк маротаба азитромицин капсула дори шаклини ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичлари, жумладан, бирламчи идентификация, бир хил масса ҳосил қилиш, капсула қобикларига жойлаш ҳамда қадоқланган тайёр маҳсулот таҳлилида Раман спектроскопия усулини самарали қўллаш тавсия этилди.

5. Амикацин сульфат инъекция дори шакли учун Раман спектроскопия миқдорий таҳлил усули тавсия этилди. Усулнинг валидацион кўрсаткичларини ўрганиш асосида амалдаги фармакопейавий таҳлил усулларида Раман спектроскопия усулини юқори аниқлик, сезгирлик ва иқтисодий самараси бўйича афзалликлари белгиланди.

6. Тадқиқотларнинг физик-кимёвий усуллари бўйича ихтисослашган Эксперт комиссиясининг хулосасига кўра биринчи марта «Раман спектроскопия» усулининг Умумий фармакопея мақоласи фармацевтика амалиётига қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашрига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси, биринчи нашр, 1 жилд, Тошкент 2020, 2.2.48.).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО НАУЧНЫЙ ЦЕНТР «MED STANDART»**

САИДКАРИМОВА НОДИРА БОТИР КИЗИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ АНАЛИЗА ЛЕКАРСТВЕННЫХ
ПРЕПАРАТОВ ГРУППЫ АНТИБИОТИКОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
РАМАНОВСКОЙ СПЕКТРОСКОПИИ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/Far52.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте и Научном центре ООО «Med Standart».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Юнусходжаев Ахматходжа Нигманович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Комилов Хожиясрор Масудович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Хамдамов Мирзоботир Мирзахайдарович
доктор философии (PhD) по фармацевтическим наукам

Ведущая организация: **«Институт биоорганической химии» им. А.С. Садыкова АН РУз**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Айбека, 45. Тел.:(99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер __) по адресу:100015, г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2021 года).

К.С. Ризаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, во всем мире при лечении различных инфекционных заболеваний доля противомикробных препаратов – антибиотиков составляет 50-80%. Ассортимент препаратов этой фармакотерапевтической группы растет день за днем, и возникают проблемы со скоростью и точностью контроля качества. Поэтому, обеспечение соответствия антибиотиков требованиям нормативного документа, совершенствование современных физических аналитических методов имеет большое значение в фармацевтической области.

В настоящее время во всем мире большое внимание уделяется исследованиям в области фармацевтического анализа, направленным на широкое использование спектроскопии комбинационного рассеяния, а именно Рамановской спектроскопии, которая является современным методом. В связи с этим в широком масштабе проводятся исследования по применению на практике контроля качества лекарственных средств быстрых и экономичных методов анализа, не вызывающих экологические проблемы, проведение оценки подлинности и количественного анализа антибиотиков методом спектроскопии комбинационного рассеяния, обоснование его перспективности в сравнении с другими методами.

В республике проводится большая работа по формированию здорового образа жизни среди населения, что является приоритетным направлением государственной политики в области здравоохранения, и обеспечению их доступа к качественной медицинской помощи, в том числе к качеству лекарств в соответствии с международными нормативными документами. В четвертой главе стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи «...по развитию фармацевтической промышленности, обеспечению населения и лечебных учреждений качественными, безопасными и доступными лекарственными средствами...»¹. В связи с этим развитие фармацевтической промышленности, а именно использование спектроскопии комбинационного рассеяния, инфракрасной, ультрафиолетовой спектроскопии, которые являются надежными и современными методами анализа для обеспечения качества лекарственных средств, производимых местными фармацевтическими компаниями, является одной из актуальных научных и практических задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», ПП-3948 от 24 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию порядка государственной регистрации и оборота лекарственных средств»,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 788 от 18 сентября 2019 года «О дополнительных мерах по внедрению требований надлежащих практик (GxP) в фармацевтическую отрасль», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Важное значение имеют научные исследования узбекских ученых, таких как: Б.Эшчанов, Х.Хушвактов, Ш.Отаджонов, А.Г.Эшимбетов, по использованию Рамановской спектроскопии для анализа различных органических соединений.

